



Adabiyot, madaniyat yashasa – millat yashaydi

О‘zbekiston adabiyoti va san’ati

1956-yil 4-yanvardan chiqsa boshlagan

ADABIY-BADIY, MA’NAVIY-MA’RIFIY, IJTIMOIY GAZETA

2022-yil 21-oktabr / № 39 (4698)

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Муҳтарам ватандошлар!

Аввало, Сиз, азизларни бугунги кутлумай – Ўзбек тили байрами билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Инсон учун қиндиқ қони томган Ватанни, дунёга келтириб вояга етказган ота-онаси қанчалик азиз ва мукаррам бўлса, унинг ўзлиги ва маънавий оламини белгилайдиган она тили ҳам шунчалик қадрли ва мўътабардир.

Қадим туркий тилимизни илк бор илмий асосда тадқик этган буюк аллома Маҳмуд Кошғарийнинг: “Эрдам боши тилдур”, яъни “Барча эзгуликлар тилдан бошланур”, деган сўзларида теран ҳақиқат мужассам. Дарҳақиқат, одамзот қалбидаги жамики олижаноб фазилатлар она тилининг бетакор мўъжизаси, сеҳри ва жозибаси билан камолга етади.

Халқимиз тафаккурининг тиник қўзғуси бўйган бу бебаҳо хазинани асрар-авайлаш ва ривожлантириш бугунги кундаги энг шарафли вазифаларимиздан биридир.

Улуғ мутафаккир Мир Алишер Навоий бобомизнинг: “Тилга эътибор – элга эътибор”, деган доно ўйтларига амал қилган ҳолда, юртимизда тил масаласида

олиб борилаётган давлат сиёсати инсон қадрими улуғлашга қаратилган туб ислоҳотларимизга ҳар томонлама уйғун ва ҳамоҳандир.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда ўзбек тилини ривожлантириш, унинг ҳаётимиздаги ўрни ва таъсирини ошириш борасида янги босқич бошланди, десак, айни ҳақиқат бўлади.

Хусусан, 21 октябр – Ўзбек тили байрами куни деб белгилангани унтутилмас, тарихий воқеяга айланди. Давлат тилининг нуғузи ва макомини юксалтиришга қаратилган фармон ва қарорлар, меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Ушбу йўналишда 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепция ва алоҳида дастур ҳаётга жорий этилмоқда.

Бу ҳақда гапиргандা, яқинда қабул қилинган тегиши қонунларга асосан реклама ва тарғибот материалларини давлат тилида эълон қилиш тартиблари ҳамда давлат фуқаролик хизматига қабул қилишда ўзбек тилини билиш даражаси буйича аниқ талаблар белгиланганини таъкидлаш лозим.

Вазирлар Маҳкамаси таркибида Маънавият давлат тилини ривожлантириш

масалалари департаментининг фаолияти ўйла қўйилди. Марказда ва жойларда давлат тилини ўргатиш курслари иш олиб бормоқда.

Қиска вақт ичидаги “Ўзбек тилини изоҳли лугати”, ўндан ортиқ соҳага оид атамалар луғатлари, ўттиз жилдлик “Истиқолол даври ўзбек навоий-шунослиги” тадқиқотлар мажмуаси яратилди.

Шу кунларда она тилимизда “Туркӣ адабиёт дурдонапари” номли юз жилдлик муҳташам тўплам нашрдан чиқаётгани, фаол ва истеъододли ёшларимизнинг сайдаро-харакатлари билан Интернет тармолидаги ўзбекча маълумотлар электрон базаси бойитиб борилаётгани қувонларни хол, айни ҳаёт.

Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётининг сара намуналари хорижий тилларга таржима қилинб, чет эллик китобхонларнинг ҳам эътиборини қозонмоқда. Истеъододли олим ва ижодкорларимиз қаламига мансуб илмий ва бадиий асралар нуғузли халқаро муроҷаатларга сазовор бўлмоқда.

Хорижий давлатлар ўқувчилари ўтасида ўзбек тили ва адабиёт ҳалқаро олимпиадасини ўтказиш ўйлага қўйилгани

ҳам она тилимизни кенг тарғиб қилишга хизмат қўймоқда.

Бугунги кунда жаҳон миқёсида 50 милионга яқин киши ўзбек тилида сўзлашмоқда. Кўплаб мамлакатларда бу гўзал ва жозибали тил катта ишитиқ билан самарали кураш олиб бориш ҳаётин заруратга айланган.

Айни пайтда, мамлакатимизда истиқомат қўлаётган турли миллат ва азлатларнинг тили, маданияти ва қадриятларни асрар-авайлаш ҳамда ривожлантиришга мухим аҳамият қаратилмоқда. Биз бу йўналишда олиб бораётгани ишларимизни келгусида ҳам изчил давом этириамиз.

Хурматли дўстлар! Ҳаммамизга аёнки, кўп миллатли халқимизни юқсан маърифатли жамият барпо этишдек эзгу максад ўйлида жип-слаштириш, юртдошларимиз қалбига ягона Ватан, умумий фаронов келажак түйусини сингдиришда ўзбек тилини бирлаштирувчи аҳамиятга эгадир!

Шу боис, Янги Ўзбекистонни ҳар томонла маънавиятни ўзбек тилига таржима қилиш орқали она тилимизни илм-фан ва инновациялар тили сифатида ривожлантириш учун мустаҳкам замин яратишимиш зарур.

Шу маънода, XX аср бошида яшаб ижод қўлган, ўзбек, араб, форс, хинд, турк ва рус тилларидаги сўзларни ўз ичига олган бебаҳо луғат китобини яратган маърифатпарвар бобомиз Исҳоқон Ибратнинг: “Бизнинг ёшлар албатта

бошқа тилини билиш учун сайдаро-харакат қўлсинглар, лекин аввал ўз она тилини кўзларига тўтиё қилиб, эҳтиром кўрсатсанглар. Зоро, ўз тилига садоқат – бу Ватаний иштир», деган ҳикматли сўзлари биз учун муҳим дастуримал, ҳаёт ўйлумизни ёритадиган маъноб бўлиб хизмат қилиши керак.

Фурсатдан фойдаланиб, миллий ўзлигимиз ва ғуруримиз тимсоли бўлганина тилимизни асрар-авайлаш ва ривожлантиришдек шарафли ишга муносиб хисса қўшиб келётгандан барча фидойи миннатдорлик билдираман.

Азиз юртдошлар! Сизларни яна бир бор Ўзбек тилини байрами билан самимий кутлаб, барчанизга мустаҳкам саломатлик, оиласизига кут-барака, тинчлик ва омонлик тилайман.

Она тилимизнинг сўнмас зиёси онгу тафаккуримиз, қалбларимизни ҳамиша ёритиб турсин!

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

МИРТЕМИР

**ОНА
ТИЛИМ**

Она тилим – онажоним тили бу, Бешиқданоқ сингган жону қўлокка. Элу юртим, хонумоним тили бу, Қадимликда ўшар она тупроқка. Боболардаги бўзга мерос эзгу тил, Авлодларга хазинайи бебаҳо. Қалбимизга, руҳимизга қўзгу тил, Бу дунёга бағишламиш не даҳо...

* * *

Ёбонларнинг чексизлиги, Ҳам самуми, ҳам ҳовури, Онажонлар алласидан, Қўз ёшидан, оқ сутидан; Тўқайларнинг тенгизлиги, Жилгаларнинг шўх фовури, Йигитларнинг алласидан, Сувларнинг суктидан – Йўғрилган тил –

Она тилим.

Дарёларнинг тошқин пайти Арслон янглиг ариллаши, Довонларнинг кўк киёси, Корли тоғлар жилосидан, Чўпонларнинг ҳамиш байти, Чилдирманинг дариллаши, Гўрўлининг алл сиймоси, Алпомишининг дъявосидан – Туғилган тил –

Она тилим.

Тулпорларнинг асовлиги, Тош қақиши, оловлиги, Боболарнинг олтн сўзи, Бўёқчининг ўланидан: Тўқувчининг алловлиги, Чилангарнинг дадгоғлиги, Бу тупроқнинг кўш хўқиши, Қўйчиси ҳам қўланидан – Яралган тил –

Она тилим.

Шу тупроқнинг жон аямас Тарлонлари, бургутлари, Келинларнинг дилдошлиги, Ёр-ёларнинг жарангидан; Босқинларнинг бедодлиги, Бувиларнинг ўйтлари, Дўмбиралининг мунгдошлиги, Дуторнинг ҳам тарангидан – Таралган тил –

Она тилим.



ШЎХ ЖАРАНГЛАР ЁШЛИК ТОРИ

Шеър – мўъжиза! Чинакам мўъжизалар эса, баҳорда – ёшлик фаслида содир бўлади. Ўрхун-Энасой ёки Ирқ битиклари, “Алпомиш” ёки “Гўрўғли” сингари ҳалқ достонлари, қўшиқлари менга инсониятнинг илк баҳорида – ёшлигига яралгандай туюлади. Улкан шоирлар ижодининг гултоғи бўлган шеърлари ҳам ёшлиқда ёзилади. Шу боисдан ҳам юртимизда ёш қаламкашларни кўллаб-куватлаш, уларни нозик ниҳолдай авайлаб парвариш қилиш ниятида кўллаб тадбирлар ўтказиб келинади.


Жумладан, “Биринчи китобим” туркумидан ҳар йили ўнлаб ёшларнинг илк тўпламлари чоп этилади, ҳар йили ёшларнинг “Зомин” анжумани ўтказилади, ҳар ойда “Хиёбон оқшомлари” назм кечаси ташкил қилинади, ҳар куни “Адилбар хиёбони” да ёшлар иштирокида кўллаб учрашувлар ўтказилади. Бу тадбирлар ёшларга устоз адиблардан ижод сирларини ўрганиш ҳамда тенгдошларининг ижодини кутишиб бориш имкониятини беради.

Куни кечаки Тошкентда биринчи марапатда ўтказилган Марказий Осиё ёш ижодкорлари анжуманини ўзбек ёшлари Афғонистон, Туркманистон, Қирғизистон, Қозогистон, Тожикистон давлатларидан келган тенгдошлари билан ижодий давра курдилади. Бир сўз билан айтганда, мушоира доираси янада кенгайди. Энди ўзбек ёшлари хориждаги тенгдошлари билан ёшларни ҳам кўлжонидан – Яралган тил –

4

Данте Габриэл РОСЕТТИ

Англия



Тушлар ҳар хил бўлади дейишади; аммо мен ўз ҳаётимда фақат битта туш кўрганман.

Тушимга доим тор, чорси водий киради, жарликда куриб қолган дарёнинг чукур ўзани бор, ёнбағрида ёввойи олмалар ўсиб ётади. Бу ерда энг баланд олма дарахтининг шохлари айриланган жойида олтин сочли гўзалинг тинмай кўйлайди, у оппок бир кўлини шохлар узра кўттарган, иккинчи кўлида қып-қизил қирмизи олма кўтариб, худди киялини тушиб келाटган одамга тортиш килиб узататагандай. Пастлидаги дарахтлар тобора куюрок ўсади, шохлари икки томондан юксакларга кўтиради, жарликни тўсади – жарликнинг ичи мурдаларга тўла.

Улар куюк шохлар тагида тепа бўлиб ётади, ҳар бирининг кўлида тишланган олма; баъзи

ЖОДУГАР БОФИ

сүяклар эски, баъзилари худди куни кечча ўлганда. Гўзалинг аммо мурдалардан бўлашади.

Тушимда кўраётган жой менга таниш. Болали-гимдан бу водийни биламан, бу ерда гўзалинг куйларига маҳлиё бўлиб ўлган кўп одамларнинг хикояларини эшитганим.

Мен кўпинча шу томонлардан юраман, афтидан, ўз қабрига жой қидириб юрган кишига ўхшайман. Мен ҳеч нарсани кўрмайман, лекин во-дий менга ўлим келтиришини биламан. Бу ердаги олмалар бошқа олмаларга ўхшайди, улар болалик хотириларимга ўрнашган, лекин бу ер-ларга келишдан мени тергашади.

Жодугарни фақат бир марта кўриш мумкин ва фақат ёлғиз бўлганингда. Ва уни кўрган одам мангу гойб бўлади.

Бир куни ов пайти итларим кийикни қувлаб борди, у катта олма дарахти тагига беркинди, итлар дарахтга яқинлаша олмади. Мен яқин борганимда, кийик кўзларимга термулди, худди: "Сен ўзинг шу ерда ўлжаксан – шундай бўлгач, наҳот мени ўлдирсанг". Менга юрагим қараётганда бўлди, мен итларни орқага чакирдим, улар жон деб қайтиши, кийик қочиб кўздан ўйқолди.

Мен биламан, албатта, у ерга бораман, куйни эшишиб, олмани кўлга оламан. Ҳозирча ёш зодагонга ярашадиган ўйин машқларни қилиб юраман, ўзимга тобе валломатларни жангларга бошлайман ва қаҳрамонларча қилич соламан. Лекин олдимда фақат менгина кўришим мумкин бўлган нарсадан бошқа ҳаммаси тушдек кўринади. Ким бўйсин? Балки дўстларим ичиди худди мен каби бир мубтало бордир – аммо у худди мендек миқ этмайди. Биз водийда ўз қуришмаймиз, чунки у ерга ҳамма ёлғиз ўзи боради: бироқ жарда учрашгаймиз ва эҳтимол, бир-биризини танигаймиз. Жодугарнинг назарига тушган ҳар бир йигит худди ўша тушни кўради, у қаерда яшамасин, унинг тушига, албатта, ўша жой киради ва вакт-соати келгандаги айнан шу ерда жодугар гўзалини топади. Уни жар ўз комига ютганда, барча жодугар ҳалок қилгандар шу ерда ётган бўлади, барчалари унинг кўйида юрганлар, жонларини унинг ҳукмига топширгандар. Қайга кетди уларнинг руҳлари? Балки улар ҳали ўлик лошларидан чиқиб кетмагандир ва то Қиёматга қадар улар жодугарнинг ҳукмидан чиқиб кетолмаслар?

Биз ўнта оға-ини эдик. Мана, бировимизни йўқотдик. Бир куни унинг босқиндан қайтишини кутардик, аммо муборизлар усиз қайтилар, у алон маъшуқасини излаб кетди дедилар, маъшуқаси уни қаршилааб бошқа йўлдан чиқкан экан, муборизлар қизни йўлда учратишибди, қиз эса ошиги қаердагилини билмас экан. Қиз тунда бехос ўйғониб кетиди ва сеҳрли водийга қараб йўл олиби, жар тепасида эса йигитнинг совути хамда шамшири ётган экан. Тонг саҳарлаб уни қидириб боришибди ва ўлиги устидан чиқишибди. Ҳеч ким ҳеч қачон бу воеанни менинг азизам, маъшуқам, қайлиғимга ҳикоя қилиб бермаган.

Бир куни у стол тагидан менга олма узатди. Олмани олдим, қайлиғим кулиб деди: "Буни ема, у сеҳрли водийнинг олмаси". Аммо мен кулиб юбордим-да, олмани тишладим; олманинг ўртасида қизил доф бор эди, у аёлнинг лабига ўхшар-

ЯНГИ ТАРЖИМАЛАР

ди, мен унга теккан эдим, лабимдан аёл бўса олгандай туюлди.

Ўша оқшом биз маъшуқам билан водийни айландик, маъшуқам билан олма дарахти тагига ўтиридик, миш-мишларга қараганди, бу олма айрисида жодугар ўтирикаркан. Маъшуқам ўрнидан туриб олма айрисига чиқди-да, олма узди ва менинг узатди ва эндинга кўшик бошлаган эди, шу ондаёк тўхтаб қичқириб юборди ва япроқлар унга бошқача сўзларни шивирлæтгани ва менинг номимни айтишатганини билдири. Қиз олмани паства отди ва қуюк шохлар оралаб тушаётганини томоша қилиб турди. Ва шу заҳотиёк шохлар орасидан илон сирғалиб ўтганига кўзимиз тушди.

Кейин биз ибодат қилиш учун калисога кирдик, бу ерда бизнинг ажодларимиз ётишарди; маъшуқам ҳайкалларга кўзини ташлаб, "Тез ора-да биз ҳам ҳайкалларга айтаниб, шу ерда ётамизми?" деди. Менинг назаримда эса олмазор орасида шамол қулоғимга: "Тез орадами?.." деб шивирлæтгандай туюлди.

Тунда барча ўйкуга кетгач, мен водийга келдим ва яна сўрадим: "Тез орадами?.." Шунда сум ичиди кўз ўнгимда қуюк шохлар орасидан менга олма узатётгандай кўл пайдо бўлди, бу ўша севги-

лим чиқкан дарахт эди. Лекин дарҳол рӯёғой бўлди; мен олмаларни узиз олар, уларни тишлар ва жардаги чукурга улоқтиардим. Кейин: "Кел", дедим.

Мен сизга маъшуқами гапирипман; у мени севади; лекин мен уни ҳайқириб оқсан сув оқизиб кетаётгандай тошчалик яхши кўрмайман; узилган сарик япроқ бу тошга чиппа ёпишиб оқади, кейин ҳар иккисини гирдоб тортиб кетади.

Кечак тунда ниҳоят тушимга ўлим кирди, энди мен унинг яқинлашиб қолганини биламан. Менинг ҳам ҳолим ўшандоқ бўлди.

Тушимда мен маъшуқам билан вод-

ХИКОЯ

дига олиб борадиган адирлар устида юрган эмишман. Қиз: "Кеч тушиб қолди", деди. Аммо шамол водий томонга эсиб: "Бу ёқка келинглар", деб чакиради. Қиз деди: "Уйдан узоқлашиб кетдик". Аммо тошлар водий томонга сирғалиб боришиш ва: "Бу ёқка", деб чакиришади. Қиз деди: "Қайтайлик", аммо кун ботган ва водий узра ой чиқкан ва: "Бу ёқка", деб чорларди. Шунда юрагим менга деди: "Вақт бўлди". Биз киялинг узра турардик, остимизда олма дарахтлари ўарди; ой булатларни тўзғи-тиб юбориб ўз тахтида ўтириарди, туш чоғидаги кўшдай порларди, кеч куз тушиб қолган бўлса-да, дарахтлар япроқларини ҳали тўкмаган – гуллар ва мева-чевалар, гуллар орасидан сирғалиб тилини ўтардим, худди кучли шамол япроқларни учириб кетгансимон шохлару мева-чеваларни четга сурб илоктириб борардим, зеро, юрагим фақат шу олмани истарди. Маъшуқам менга қаттиқ ёпишиб олган, лекин қайтириб бораётган шохлар орқамга чекиниб, қизининг юзи-кўлларини шилиб, тилиб ўтарди, кейин мен унинг кўлларини кўкка баланд кўтариб, уввос солиб йиглаётганини кўрдим – мен эса йўлимдан қолмай борардим. Жоду кўй тобора тиникроқ эшитиларди. Ниҳоят, у: "Ишқ сени чақирмоқда", деди. У яна ишқининг гўзалигини куйларди. Унинг куйларida ҳаёт бениҳоя гўзалиб эди. Лекин мен ҳали яқинлашиб үлгурмаёқ, жодугар мен батамом унинг ҳукмиди эканимни билди, шунда унинг овози олдингидан ҳам майнироқ эшитилди: "Сени ўлим чорламоқда". Шунда ўлимнинг номи менга дунёдаги ҳамма нарсадан ҳам лазизроқ туюлди. Олдимдаги йўл очилди ва сеҳрар қиз ой нурида ярқираб, олма дарахти айрисида мендан юксакроқ кўтарилиди, мен у юксалаётгандай айрини яхши билардим. Шунда мен сеҳрарнинг дудоқларидан ўпдим ва менга узатилган олмани олдим. Уни тишлаганим замон бошим айланниб кетди, тиззимиздан чиқишибди жадиди ва шох-шабба оралади паства қараб учиб кетдим ва шунда мени саломлаётгандай мурдаларнинг бўздай башараларини кўрдим. Мен қора тегра ботиб ўйғондим; аммо узоқ менинг мангу ҳамроҳ бўлиб қолгандар орасида ётгандай туюлардим. Ва ҳамон кўлимда олма ушлаб турардим.

НАЗМ, НАСР

КАДОККУЛ КУЗ КИЛМОҚДА ИЖОД

ВАТАН ҲАҚИДА ШЕЪР

Сендан бошқа уй йўқдир, мендан бошқа девона, Бир ховч кўнгил бергил, останонгда юрибман. Шамол учирган шамга туш уради парвона: Менинг аждодим — олов! Олов сўраб турибман!

Сендан бошқа манзил йўқ, мендан бошқа девона, Сендан бошқа кўшик йўқ, мендан бошқа сўзона, Сендан эччик алаб йўқ, мендан гариф вайрон, Сендан кейин матлаб йўқ, мен ҳам сендан нишона, Эй, сен, кутб юлдиз, мен ҳам нурнинг ўлимам, Карвонинг бўйиндаги кўнғирокнинг тилиман.

Асрларнинг ортида ойдек ботмай турибман, Ҳар тун шамолдай кезиб бўйингдан маст юрибман.

Саҳрова Будда каби қум санайди асрлар,

Кумлар тўлиб кўзига, сароб элтган басирлар,

Адашганлар, топланлар, боёнлар есиirlar,

Саҳифалар қатиди вайроналар гусирлар,

Лек бир гиши кўчмасдан турар кутлуғ қасрлар,

Тарҳин имон чизиб, түғ қадамиш ботирлар,

Либоси ой нуридан ўтиб бормоқда пирлар,

Елкалар қараби, ҳар елкаси шахарлар,

Мен шу шаҳар багридан толе сўраб турибман.

Дубулай довлулар садоси эли кезгандан,

Кўласидан адашган даврон базм тузганда,

Азиз китобларимни номидот котиб бузганда,

Сўнг шаҳодат бармогин лабларига босгандা,

Боболар манглайидан шараф қон изганда

Ва шу эл юраги ҳам бир фуруни сэзганда,

Тарҳин тўзонларини Темур тог'иганда,

Эй юрги! Шундан багрингда ўзлик ели эсганда,

Кўкарган чинорингда бир барг бўлиб турибман.

Кўхинурдай ярқирап юлдуз тўла осмонлар,

Шу юлдузлар остида уюр отек замонлар,

Тупрок ютган олтилар, олтиндан киммат шонлар,

Кўллари паст келланлар, юраги пахлавонлар,

Бобом қилган армонлар, армон узилган онлар,

Эй чопари эзгулик, эй, эзгулик томонлар,

Тандирлардан нон эмас, кўёш узатётган жонлар,

Бобурнинг тушларида ҳар тун ўғсан довонлар,

Шул довондан термулиб, бир кубониб турибман.

Сендан бошқа манзил йўқ, йўқ менингдек девона,

Бир ховч тупроғинга жонни элаб юрибман.

Дубулай довлулар садоси эли кезгандан,

Кўласидан адашган тўзганда,

Тонгда кўрдим – юлдузларини қабобларни кизарган.

Кўлларидан келган кўзларни кўзларни, олжонидан олжонидан,

Кўзларидан келган кўзларни кўзларни, олжонидан ол

Давоми, бошланиши 1-саҳифада

— Мен сизларнинг қиёғанғизда келажак адабиётини кўрғялман, — деди ўз сўзида устоз Иброҳим Фауров. — Сиз келажакка янги режалар, ижодий ниятлар билан бормоқдасиз. Бу ерга эса, янги асарларнинг билан дунгёга чиқиш ниятида келгансиз.

Шунингдек, устоз бугунги ижодкор ўз олдига қандай мақсадлар кўйиши лозимлиги, кутбларга бўйини бораётган дунёда, хозирги мурракаб даврда қандай асарлар ёзиш, қандай долзарб мавзуларга ёндашиш кераклигига тўхталиб, мазкур борада бу анжуманинг долзарблигини тъкидлаб ўтди.



БАХТ

Муҳаббат бобига қадам кўйдингиз,
Бахт учун муҳаббат сўзин ўйдингиз.
Доимо баҳорни, гулни сүйдингиз,
Камалак мисоли гўзал баҳтингиз.

Меҳрни макони бу асли баҳттир,
Бир йигит, қиз сўзи гўзал бир аҳдидир.
Эркак киши оиласда ягона таҳттир,
Агар унинг бўлса ёнида ёри.

Меҳрни булоғи келининг сўзи,
Баҳтдан порлар унинг кирмизи юзи,
Фарҳоддек севади йигитнинг кўзи,
Энди сиз оиланинг ягона қизи.

Уйимнинг саришта бекаси бўлинг,
Гўзал келин бўлинг, ойдайдин тўлинг,
Онамнинг меҳрибон дилкаши бўлинг,
Шириф фарзандларга илоҳим етинг.

Жасурбек НУР

Тоҷикистон

Гуллар алдаб кўяди бизни,
Жилоси-ю, ифори билан.
Ишонтиргач —
сўлиб, қовжираф
Ташлаб кетар озори билан.

Гуллар гўзал алдар шубҳасиз,
Ниш тўлдириб турад бағрини,
Лек тиконлар ошкора жасур,
Беркитмасдан очар қархини.

Узоқ йиллар кечса ҳам билгин,
У аслидай боқади сенга.
Шунинг учун айёр гуллардан,
Мард тиконлар ёқади менга!

Рахимжон АЛИ

Қирғизистон

Миллатлардан ажратиб турувчи асосий белгилардан бири бўлган она тили ҳар бир ҳалқнинг бебаҳо бойлиги, ифтиҳори ҳисобланади. Ҳикмати сўзлар, шеъру дустонлар, кўшиқлар ҳар бир миллатнинг она тилида дунёга келади. Миллат бер экан, унинг тили ҳам шайади, тили яшар экан миллат ўз нуфузи, обўриға эга бўлади.

Мана, 33 йилдирки, 21-oktabr, кунини ўзбек тилига давлат тили мақоми берилгани айём сифатида нишонланаб келинади. Ҳар йилги байрам турли шиорлар остида ўтказилади. «Она тилим — жону дилим», «Тилга эътибор — элга эътибор», «Тил — миллат кўзгуси» шуар жумласидандир. Қозирда саккиз миллиёндан ортиқ ўзбеклар яшайдиган Афғонистон Ислом Республикасида ҳам ўзбек тилига катта эътибор қаратилмоқда. Афғон ўзбеклари яқин тарихда кузатилмаган хуқуқларга эга бўлди. Ўзбек тили расмий мақом олди, мактабларда ўзбек тили ва адабиёти дарслари ўқитилмоқда, ўзбек тилида матбуот ва телерадио эшиттиришлари йўлга кўйилди, китоблар нашр

килиномдоқда, шаҳарлarda мутафаккир боболаримиз Амир Темур, Бобур ва Алишер Навоий номида боғлар, кўчалар ҳамда даҳалар пайдо бўлди. Аммо бу ўзгаришлар аслида илк қадамларидир.

Буюк адаби Абдулла Қодирйининг «Ўтган кунлар» романининг араб имлосида, ўзбек тилида нашр этилгани афғонистонлик ўзбеклар учун катта совфа бўлди, десам адашмайман. Ўзбек романчилиги қадирроғи бўлган бу шоҳ асар ўтган йили 5 октябр куни пойтакт Коубулда расман ўкувларга тақдим этилди. Роман араб имлосига афғонистонлик журналист, ёзувчи ва таржимон Муҳаммад Ҳасан Тўлқин томонидан ўтирилди. Унинг сўзига кўра, Абдулла Қодирли асарини сўзма-сўз, таббиқ жоиз бўлса, ҳар бир сўз маъносини ўрганиш ўтириш учун иккӣ йил кўтариб сарфлаган.

Ўтган асрда Афғонистонда ўзбек тилига эътибор бир мунача сусайган бўлса, хозирда ўзбек тилининг равнақига хисса кўшадиган юзлаб ёшлар етишиб чиқмоқда.

Анжуманда фаол иштирок этган афғонистонлик шоира Раъно Шерзод ўзи яшётган мамлакатда ўзбек тили расмий учинчи давлат тили саналишини тъкидлаб, она тили ҳақидаги шеърини ўқиди. «Бизга шон, жон берган Навоий сўзи» дейа фикрини давом этирган шоира Афғонистонда яшаб ижод кўллаётган шоирларнинг асарларидан таркиб топган ки-

ажойиб йилларини Самарқандда ўтказган. Бу заминда устозлари, кўплаб дўстлари бўлган. Мана шундай кутлуғ замин — Ўзбекистонга келишимизга шароит яратган Ўзбекистон Президентига миннатдорлик билдирамиз.

**Келинг дўстлар, элни обод этайлик,
Ўзбек тилин жаҳонга мадҳ этайлик,**

дэя яқунлади шоира сўзини.

ШЎХ ЖАРАНГЛАР ЁШЛИК ТОРИ

тобни Ўзбекистон Ёзувчilar уюшмасига совфа килди.

— Мен ҳазрат Алишер Навоий яшаган юртдан келганим билан фахрланаман, — деди Раъно Шерзод. — Бобомиз умринг

**Шодникларнинг ёш баҳори,
Шўх жаҳонглар ёшлик тори —**

деб ёзган эди устоз Ойбек умринг айни ёшлик фаслиди. Анжуман «Паркент оқшоми» мушоирасида жўшқин шоирлар айтган шеърлар билан безанди.

Ёш ижодкорлар учун маҳорат дарслари ташкил этилиб, унда шоирлар Фахриё, Ҳосият Рустамова ва бошқалар ижодий тажиббалари билан ўртоқлаши.

Шу ўринда тъкидлаб ўтиш жоизки,

«Туркӣ адабиётлар хазинасидан» туркимида юз жилдлик тўпламнинг нашрага тайёрланиши ҳам адабий ҳамкорлик йўлидаги муҳим қадам бўлди.

Марказий Осиё ёш ижодкорларининг

биринчи ҳалқаро анжуманида иштирок этишинни ўзи бизга фахр башшайлди. — деди қозғостонлик ижодкор Равшанбек Ўтаев. — Ҳалқаримиз ўргасидаги қардошлик, бирордари тўйғуларни бизга аждодлардан мерос қолган. Ойбек домла, академик шоир Faур Ғулом, устоз Миртемир «қозғим» дейа шеърлар битган. Устозларнинг йўлуни давом этириш бурчимиздир.

Шунингдек, тадбирда тоғикистонлик Фахридинн Умар, туркманистонлик Рамазон Аманов ва ўзбекистонлик ёшлар сўзга чиқиб, дўстликка бағишланган шеърларни ўқиб берishi.

Таҳририят

ШОИР

Кўй дессанг, кўймайди, бунчалар ўжар,
Ҳайбат қўлса ҳамки беаёв ажал.
Унга капалакдай кўринар аждар,
Чивин чакишидек урилган ҳанжар.

Нима қўлса бўлар шоир юрагин?
Ҳақиқатни излаб уришдан толмас.
Дунёни олишга юришдан қолмас,
Кўйиб берсанг, эх-хе, нималар қилмас.

Нима қўлса бўлар шоир юрагин?
Севгида кўл бўлиб сочилган ҳам шу,
Ишқнинг бозорида сотилган ҳам шу,
У ҳам, ахир, сиздек яшаш керак-ку!

Сен истасанг бирга кўйиб қадамни,
Ҳамдил бўлиб, миллатни шод этайлик.
Билим билан бирга бўлайлик йўлдош,
Бирлашиб дунёни курайлик қардош.

Ўзбек тилин она тил деб билурман,
Олға юриб илим шаробин ичурман.
Ватан мадҳин айтиб, кўйга соларман,
Азиз юртим, сени обод қиларман.

Эй Самадий, юрагим тўрига чиқиб,
Она тилим ҳар он сени севарман.
Нима қўлса бўлар шоир юрагин?
Конидан ҳақиқат гуллаган ҳар пайт.

Текса қонатади, ё яра қилар.
Ўзим кимлигимни ўзим ҳам билмам,
Мени кимлигимни бир Ҳудо билар.

Нима қўлса бўлар шоир юрагин...

СЎЗЛАСАМ...

Сўзласам сўзимга болта урарлар,
Тилимни пичоқда кесишига тайёр,
Дўстим деб кирганди кўнгил хонамга,
Тулклир устози шунчалар айёр.

Ҳақиқат бўғзимга келар тикилиб,
Айтсан кимларгайдир сочаркан олов.
Пичоқ урганлари жонимдан яқин,
Ҳафа бўлмас эдим, бўлгандга бирор.

Тилим заҳар бўлса, илонда айб не,
Шиғо бўлмас эди, бўлмаса заҳар.
Сутданда пок бўлган оппоқ юзлардан,
Никоблар енилди, мен қўлдим ҳазар.

Осмон ёмғирларин тўкмай кўйдилар,
Тўкканда ювилар эди гуноҳим.
Ўзисизлар сафиға кўшиб кўймагин,
Ўзисизлардан ўзинг асрар Аллоҳим!

Юрак томирлари қонни қайнатар,
Жигаримга жигар сукар ҳанжарлар.
Чиқсан йўлларимга ортга қайтмайман,
Руҳим тетик ҳали тоғни янчарлар.

Сўзларим кўнглимнинг отган камони,
Текса қонатади, ё яра қилар.

Ўзим кимлигимни ўзим ҳам билмам,
Мени кимлигимни бир Ҳудо билар.

Нима қўлса бўлар шоир юрагин...

Аваз АҚБАР

Қирғизистон

ТЕНГДОШИМ

Дараҳт шоҳидаги сарқи япроқлар,
Куздамас, баҳорда сарғайган улар.
Одамзот умрига менгзалса агар,
Қаримай кексайлан ёшларидир улар.

Ҳаёт ташвишлари, айриклиқ, даррлар,
Сарсон-саргардонлик, оғир машакқат.
Буларнинг баридан қабли тирналиб,
Сочлари оқарган тенгдошим улар.

Менинг дўстларим бор улар сафида,
Бегона юртларда юриди ҳозир.
Кун бўлии меҳнатдан тиним билмас ҳеч,
Манглайига тақдир битган: мухожир.

Қолсак агар гоҳо кўнғироқлашиб,
Улғи ниятлари доим тилида:
— Борсам, тўй қиласиз, Ҳудо хоҳласа,
Отамни, онамни юборум Ҳажга.

Барига кўз юмиб, қайтгим келади,
Лек кўлмуга қараб туришибди-да.
Ўқинманг дўстларим, ҳаёт асли шу:
Ким учун роҳатдир, кимларга синон.

Юргта қайтсангиз гар бағрингиз тўлиб,
Барча машақатлар бўлгуси унун.

Зуҳриддин УМАР

Тоҷикистон

Гуллар алдаб кўяди бизни,
Жилоси-ю, ифори билан.
Ишонтиргач —
сўлиб, қовжираф
Ташлаб кетар озори билан.

Гуллар гўзал алдар шубҳасиз,
Ниш тўлдириб турад бағрини,
Лек тиконлар ошкора жасур,
Беркитмасдан очар қархини.

Узоқ йиллар кечса ҳам билгин,
У аслидай боқади сенга.
Шунинг учун айёр гуллардан,
Мард тиконлар ёқади менга!

БЕБАҲО БОЙЛИК

— Бироқ, — деди яна чукур хўрсиниб:
— Ўғлимини, қизимни соғиндим жуда.

Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим

маркази ўзбек тили ва адабиёт фани ўқитувчи.

Анжуман иштирокчиси.

Хадиҷа ЭШПУЛАТОВА,

Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим

маркази ўзбек тили ва адабиёт фани ўқитувчи.

Анжуман иштирокчиси.

Хадиҷа ЭШПУЛАТОВА,

Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим

маркази ўзбек тили ва адабиёт фани ўқитувчи.

Бир неча йилдан бўён ўтказиб келинаётган "Дебют" кўрик-фестивали кўлаб ёш ижодкорларни кашф этишда давом этмоқда. Уларнинг иқтидори ва ижодкорлик қобилиятини катта майдонда синовдан ўтказиб, кенг имкониятлар эшигини очмоқда. Бу йилги фестивалнинг ўзига хос асарларидан биро Қорақалпоқ давлат ёш томошабинлар театри ижодкорлари томонидан саҳналаштирилган "Қўрқут ота" спектакли бўлди. Дебютант режиссёр Султонбек Қаллибеков саҳналаштирган бу асар еттинчи маротаба ўтказилган фестивалнинг энг ёркин спектакларидан биро бўлди, десак муболага бўлмайди.

Халқ оғзаки ижодидаги афсонавий қаҳрамонларни бирлаштириб турувчи бир хусусият бор: масалан, Алломишининг туғилиши ҳам бошқаларга ўхшамаган тарзда кечади. Баъзи таҳлилчilar унинг уч йилу уч ою уч ҳафта, уч кунда туғилгани ҳамда дунёни ларзага солиб келгани бoisи шу номни олган деса, аксарият манбаларда элга кут-барака, тўкин-сочинлик олиб келгани учун ҳам шундай исм берилган, дейдилади. "Қўрқут ота" спектаклида ҳам бош қаҳрамоннинг гайритабии туғилиши, синовлардан ўтиб, вақт ва ўлим устидан голиб келиши ҳамда кўбиз ясад, кўплаб кўнгилларга шифо улашгани ҳикоя қилинади.

Эмишик, Қўрқут ота кирк ёшга етгунича ҳар куни ажал билан олишган. Спектакль шу мотив билан бошланади. Явни тушида ўзига ўзи гўр қазиётган Қўрқутнинг "мен ҳали яшашим керак", дэя Азроилинг чангалидан силтаниб чишии гаройиб тарзда саҳналаштирилган. Энг муҳими, ҳамиша режиссёрини қийнайдиган – ярим фантастик, ярим ҳақиқий афсонани саҳна тилига кўчириш масаласи ишонали ҳал этилган.

Тошкент давлат университетининг журналистика факультети азалдан журналистлар, шоирлар, адилар дастлабки сабоқни оладиган мўътабар даргоҳ эди. Биз, 1967-1972 йилларда шу маскандага таҳсил олган талабалар орасидан етук шоирлар, ёзувчилар, журналистлар етишиб чиқди.

Курдошим Нурматам Тошбоев ҳамиша кулиб гапирадиган, очик кўнгилли ўйигит. Мени Усмон Азим, Эркин Аъзам, Муҳаммад Раҳмон, Нодир Нормат билан танишиди. Бу дўстларимиз ёш ижодкор сифатида бир қадар шаклланган, ўзбек адабиётида ўша даврда ўзининг муносиб ўрнига эга бўлган Теша Сайдалиев, Низомжон Парда, Шукур Холмирзаев, Ҳуррам Максадкулов, Болта Ёриев, Мингзӣ Сафаров, Шафоат Раҳматуллаевнинг сұхбатини, таълимими олган, уларнинг ишончига, "Оқ йўл"ларига сазовор бўлган ва ҳар биро ўзига хос шакланаётган ижодкорлар эди. Усмон шўх, ҳазиллари ўтқир, тез одимларди. Эркиннинг қадами ҳам, сўзлари ҳам салобатли, дона-дона бўларди. Муҳаммаджон доимо хотиржам, осойишта киёфада, кузлари, сўзлари маънодор, ўйчалиги сезилиб турарди. Иккинчи курсда рус адабиётидан маъруза ўқиган ўқитучимиз Муҳаммаджон кўрсатиб: "Вот это человек, по моему, стихи сочиняет", деган эди. Ҳа, шоирлик дўстимизнинг пешонасига битилганди. Нодирнинг лабларида самимий, илик, майнин табассуми доимо барқарор эди. Комил Жўраев, Нуриддин Очилов, Абдуваҳоб Пирматов, Ҳалима Мирзаева ва бошқалар билан айтирунченгликтан давримизда танишганимиз.

Тошкент давлатуни университети журналистика факультетига ўтишга қабул қилинганимизни эшитганда ёнимда турган Эркин Аъзамовни шундай астойдил табриклиман, дўстимизнинг ҳамон эсидан чиқмайди. "Э, Жўра бўйиндан кучоқлаб маҳкам кисиб олганли, кеч кўйвормайди. "Кўйвор" демоко бўлмаман, айтольмайман. Нафасим чиқмайди. Лекин инсоф қилди. Охири ўзи кўйворди. Хайрият, худди Боботог айғиннинг чангалидан кутилгандай бўлдим", дейдилади кулиб.

Талабалик – олтин даврим, дейдилар. Лекин ана шу олтин давринг ҳам кўйма олтин палласи – биринчи пахта терими мавсуми эди. Бу даврда биз бир ой Сирдарё чўйлида дала шийлонида яшаб, бир қозонда овқат, бир савомварда қайнаган чойни баҳам кўриб, бир дадлан пахта териб, бир пайкалдан дехонлар олганини олиб, қолганини ташлаб кетган сара қовун-тарвузларни баҳам кўриб, ҳар кечкурун катта гулхан атрофида мушоира, ўйин-кулги қилардик. Бу биз учун ҳақиқий, бир умрага дўстлашув даври бўлган.

Ҳа, ҳар томонлама – бадий ижод, ижодкорлик соҳасида ҳам. Мушоира майдончасида баландроҳ жой бор эди. Уни "шоиртепа" деб атардик. Усмон Азимнинг ана шу тепага чиқиб, айвонда сирлашиб юм-юм йилгаётган иккича дугона, ойнага кўз сузуб қараган, сочини энг сўнгги урфда тараган, ўткам йилгитларнинг севгилиси бўлишини истайдиган ҳар қиз ҳақиқаги, Муҳаммад Раҳмоннинг котил қўлидаги қиличининг янги ойга жуда ўхшашини ўйлаган Улуғбек Мирзо ҳақиқадиги, тарихда таҳлашганларга қарата ёзган шеърлари ўтқинчи ҳо ѧаваслар ҳақиқаги

Спектакли кўриш асносида кирк ёш-гача ажал билан олишган Қўрқут отанинг қисмати нега бундай оғир ва машқатли кечган, деган савол туғилади... Бу жараёнлар аслида Барчинни қалмоқлардан кутқариш учун миссиз синовларга дучор бўлган Алломиши ёки Юнос ва Мисқол парини девлар ўйирлаш кетганида ҳам ажли, ҳам жисмоний синовлардан марданонар ўтган Гўрўғлини ёки Равандек ёвуз деб

сиб этавермайдиган хислат. Яъни ҳақиқий ўлим билан дуч келмасдан аввалор ўлим ҳақида ўйлаган ҳар бир киши ботирлер, шунинг учун ҳам фақат ботирларгина бу ўтқинчи дунёга кенгрок ва баландроқдан туриб қарай олади. Шу маънода саҳнадаги Қўрқут ота ҳам талотўларга, майдада одамларга, разил қимсаларга юксакдан назар ташлай олади. Унинг қаҳрамонлиги ҳам мана шунда...

да, турли саволлар гирдобида қолади. Лекин ҳамма вакт ўзлигини сақлади. Зеро, биз саҳнада кўрган Қўрқут ота тақдирдан руҳан голиб кела олган қаҳрамондир... Ботирларнинг ёнида ҳамиша бир ҳамроҳ бўлади. Масалан, Алломишининг оти Бойчубор, Гўрўғлининг самани Фирӯз, Ҳасанхоннинг ҳамроҳи Жиронкуш... Ҳўш, Қўрқут отанинг ҳамроҳи-чи? Спектакла айтилишича, Елмоя имсли туя унинг дардакида ва сирдоши. Шу сабаби у Елмояни жонидан ортиқ кўради. Қаерга борса, уни бирга олиб борарди. Лекин ажал ё жонга, ё молга келади деганларидек, ўлим ҳарбчиси бўлган кора қарғалар Елмоянинг ажали етганини маълум қиласди. Яъни Қўрқутнинг ўзи ажал устидан голиб келгач, севимли туасини курбон қиласди. Сўнг унинг терисидан кўбиз ясад, бутун дунёга машҳур бўлиб кетган хикматларни айтиб қолдирали. У чалган мусикадан миллионлаб одамлар дардига маълам, муаммоларига бўлсин. Қўрқут ота ўзига юқратилган вазифани тўқис адо этди. Авлодлар учун кўплаб хикматли сўзлар ва иборалар қолдирали. Айнан шу боисдан ҳам Қўрқут ота қолдирган хикматлар қайта-қайта ўқишига, театрларда саҳналаштиришга арзиди.

Шоҳсанам ХИДИРОВА, журналист

«Қўрқут ота» АЙТИМЛАРИ



Ситани олиб қочанида укаси. Лакшман билан азобли кунларни бодсан кечирган Рамининг ачич қисматини эслатади бизга.

Қўрқут ота ҳам мана шу ботир қаҳрамонлар каби қирк ёшга түғилиши, синовлардан ўтиб, вақт ва ўлим устидан голиб келиши ҳамда кўбиз ясад, кўплаб кўнгилларга шифо улашгани ҳикоя қилинади.

Эмишик, Қўрқут ота кирк ёшга етгунича ҳар куни ажал билан олишган. Спектакль шу мотив билан бошланади. Явни тушида ўзига ўзи гўр қазиётган Қўрқутнинг "мен ҳали яшашим керак", дэя Азроилинг чангалидан силтаниб чишии гаройиб тарзда саҳналаштирилган. Энг муҳими, ҳамиша режиссёрини қийнайдиган – ярим фантастик, ярим ҳақиқий афсонани саҳна тилига кўчириш масаласи ишонали ҳал этилган.

Каралабалик даврининг биринчи пахта терим мавсуми бозни яқиндан танишиди, кимнинг нимага қодирлигини кўрсатди. Пахта терими мавсумида куродшаларнинг серкирда қобилияти ҳар кеч ёрқин намоён бўларди. Эркин Аъзам рубони бағрига мажкам босиб Муҳаммаджон Мирзаевнинг дилбар тароналарини берилиб ижро этганида, ҳозирда таникли журналист Олимжон Усанов Бобур газали билан айтиладиган "Сочининг саводси тушди бошима бошдин янада" деб бошланадиган ашулани айтганида, Фазилат Абдуллаева "Қўшини қиз" ашуласини шўху шодон кўйлаганида, Сафарул Ҳайитова "Бой ила хизматчи" пъесасидан Ҳамила монологини ниҳоятда берилиб талқин қилганида гулхан атрофидаги мажлисимиизга файз киради. Ҳажви ялар, латифалар, монологлар айтишардик.

Шеърият шайдоларига ўша пайтадек яхши танилган Ҳалима Ҳудойбердиева гурухимизга 2-курсада сиртки бўлимидан келиб кўшилди. Ҳаммамиз билан тезда танишиб, қизғин, самимий муносабатга киришиди. Сумқасида доим олиб юрадиган каттагина "умумий дафтири"ни, маърузалар бошланиши билан очиб, ёзиб-чишига киришарди. Шеърлар ёзар, ёзганларини таҳрир киларди. Устози, Ҳубекистон ҳалқ шоири, "Саодат" журнали бош муҳаррири Зулфия билан доимий ижодий алокада эди. Курсодшалар билан ҳамиши қизғин ижодий мулокотда бўларди.

Албатта, берган билимлари, тарбиялари, ўгит-насиҳатлари учун устозларимиздан бир умр қарздормиз. Факультетимиз декани Тўғон Эрназаров бизга мустақил ижодий ҳа-

сўзи ҳам, хатти-ҳаракатлари ҳам дадил, қатъиятли йигит эди. Назаримда, бадий асарларни кўп ўқир, ўқиган ҳикоялари, қисса ва романлари ҳақида соатлаб сўзлаб бериши ёқтиради.

Биз бир-биримиздан ибрат олиб, дарсдан бўш пайтлари Марказий кутубхонага бориб соатлаб китоб мутола қиласди. Газета ва журнallарнинг варақлар эдик. Нархи арzonлаштирилган китоблар дўконидан буюк ўзувчи ва шоирларнинг танланган асрлар тўпламларини харид қилардик. "Тошкент оқшоми" газетаси, "Шарқ юлдузи", "Гулистан" курбон қилиншини рамзий маънода бўлиб, рассом шартли равишда оддий аркон ва ёйсимон таёллардан фойдаланган.

Қўрқут ота ролини иккى актёр ижро этган: ўшлигини актёр Фозил Тўлаганов, кексароқ пайтини эса Қорақалпогистонда хизмат кўрсатган артист Жигарбой Абди-

нинг курбон қилиншини рамзий маънода бўлиб, рассом шартли равишда оддий аркон ва ёйсимон таёллардан фойдаланган.

Ҳубекистон ҳалқ шоири, "Саодат" журналини айтиб қолдирган қайта-қайта ўқишига, театрларда саҳналаштиришга арзиди. Айнан шу боисдан ҳам Қўрқут ота қолдирган хикматлар қайта-қайта ўқишига арзиди. Айнан шу боисдан ҳам Қўрқут ота қолдирган хикматлар қайта-қайта ўқишига, театрларда саҳналаштиришга арзиди.

Ҳубекистон ва Тожикистон Республикаларининг дипломатик алоқаларига 30 йил тўлиши муносабати билан октябрь ойининг иккичи ўн кунлигига юртимизга Тожикистон композиторлари уюшмаси раҳбарияти ва истеъодли хонандалари ташриф буорди. Шу муносабат билан ташкил өттилган учрашувда иккى қардош ҳалқ орасидаги ижодий ҳамкорлик доирасини янада кенгайтириш, ўзбек ва тожик композиторлик ижодиётини яқиндан ўрганиш ва тариф этиш, ҳалқаро ижодий алоқаларни янги поғонага кўтариш масалалари муҳокама этилди. Уюшмалар орасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди, истиқболли лойҳаларни амалга ошириш, композиторлар ва мусикашунлар ортасидан ахборот ва тажриба алмашувини көн ўйлга кўшиш, ҳамкорликда фестиваль ва танловлар, илмий-амалий конференциялар, семинар-тренинг ва маҳорат дарсларини ўтказиш, илмий-оммабоп, услубий-илмий тадқиқот ишларини олиб бориши белгилаб олинди. Иккى кун давомида тожикистоник ижодкорлар Ҳубекистон меморандуми имзоланди, истиқболли лойҳаларни амалга ошириш, композиторлар ва мусикашунлар ортасидан ахборот ва тажриба алмашувини көн ўйлга кўшиш, ҳамкорликда фестиваль ва танловлар, илмий-амалий конференциялар, семинар-тренинг ва маҳорат дарсларини ўтказиш, илмий-оммабоп, услубий-илмий тадқиқот ишларини олиб бориши белгилаб олинди.

Тожикистон композиторлар уюшмаси раиси, Тожикистон Республикаси ҳалқ артисти, атоқли композитор Амирбек Музыозода ўз таассурлари билан ўтказашди:

– Тошкентдек гўзал ва бетакор шаҳарда ўтказган иккى кун ижодий гурухимиз аъзоларида катта таассурот қолдирди. Сафаримиз давомида Юнус Ражабий номидаги Ҳубекистон миллий мусика санъати институтига таширифимиз, таълим тарбияларида қўзимизни курбониди. Институт проректори Азизон Зокиров бошчилигига ўтказилган давра сухбати, институт билан тузилган меморандум, ўзбек миллий бастакорлик мактаби ҳақиқаги илмий мушоҳадалар юртингизда мусика санъати соҳасида улкан ишлар олиб бориладиганни яна бор исботлади. "Дўстлик насими" концертларида Ҳубекистон композиторлари Борис Гиенко, Рустам Абдуллаев, Ҳабибулла Раҳимов, Муҳаммад Отажонов, Акмал Сафаров, тожикистонлик композиторлар Фируз Бахор, Зиёдупло Шоҳидий, Амирбек Музыозода, Кудратullo Яхёзода, Абдураҳмон Тошматзода ва каминанинг асарлари янгради. Киска вақт мобайнида ёш истеъодли ижочилар томонидан тайёрланган Тошкентдек композиторлари асарлари, уларнинг маҳорат билан ижоглини бизни беҳад кунвонтирди. Бу Ҳубекистон композиторлик ва ижроилик мактабининг юқори дарражада эканлигидан далолат беради.

Ҳубекистон ва Тожикистон Композиторлари уюшмалири ҳамкорлигига ташкил этилган дўстлик учрашуви тарихий воқеага айланди. Уч

Кишилгимиз чорчалик ва сабзавотчиликка ихтисослашган эди. Ойлада саккиз фарзандмиз. Дала юмушларида хаммамиз онамга бирдек кўмак бериш учун мактабдан келибок далага чопардик. Бундан ташқари, яна мол-ҳол, кўй-кўзига қарашга улгурши, дарс тайёрлашга ҳам вақт топиш керак. Отам бизнинг ўқимиши бўлиши мизни жуда-жуда истар ва доим: "Мен ўқимадим, онанг ўқимади, сенлар ўқишинг керак", деб таъкидларди.

Бир куни эрта тонгдан соғин сигир ва кўй-кўзиларни яйловга хайдадик. Йўлда иккι-учта кўй ўзини экинзорга урган эди, онам "хай-ҳам" лаб бақириб қолди. Бизни койиди. Шу пайт Насиридин ака деган бригадир рўпарадан келиб қолди. Онамнинг бозга берган таъбехидан бироз ранжиши чофи, онамга: "Муқанбар, болаларни қарфама. Бирдамас-бирда қарғиш тегса ким куяди, яна ўзинг күясан", деди. Онам мулзам бўлиб қолди. Шу кундан онам бизни янада авайлай бошлади. Жуда жаҳли чиқса: "Балога йўлиқмагур, хой ўлмагур, уйингга бўғдой тўлгар", деб кулиб қўярди.

Онажон, койишларинги софиндим...

Олийгоҳнинг кечки бўлимида таҳсил оғанман. Кундузи ишдан ўқишига, тун яримида уйга қайтишда анча қийин бўларди, ўша вақтларда транспорт ҳам кам эди. Кош қорайгандаги автобус қатнови тўхтарди. Йўловчи машиналарга коронифа кўл кўтармаса ҳам бўлади, барибир тўхтамайди.

Бозга ажратилган ерга қулуни эккан эдик. Қулуни шунаканги қўйғос гулладики, кўриб кўз қўвнайди. Ўша пайтдаги сиёсат ғалати эди-да: ипак курти боксан оиласарга навбатсиз уй куриш учун ер,

Бир куни, эсимда, ўқишидан кечроқ чиқдим. Охири автобусга улгролмадим. Бир амаллаб "халқа йўл" гача етиб олдим. Машинадан тушсам, қоронгуда бир шарпа кўринди. Сесканиб кетдим. Шарпа мен томонга аста келарди. Мени ваҳима босди. Шунда: "Асрор, болам, ўзингисан, намуна кечиқдин", деган товушдан билди. Шунда: "Нима, ёш боламидим, шу ергача келиб, уйга боролмайманни", деб ўзимча зарда қўлдим. Онамнинг куюнганини эса, ўзим фарзанди бўлгач англадим.

Онажон, меҳрингизни софиндим...

Кўп болали оила, деб бозга уй қуриш учун ер ажратиб бериши. Атрофини шоҳ-шабба билан ўраб, рўзгор учун сабзат экинлари экиб кўйдик. Ўша пайтлари аҳоли ипак курти бокарди. Шу мавсум бошлангандаги маҳалла бесарамжон бўларди. Тут кесиб кел, уч-тўрт маҳал барг сол, жойини кенгайтири, тозала, сурӣ қўл... Бу оғир меҳнатга тўлнадиган ҳақдан њеҳ кимнинг кўнгли тўлмасди. Шу боис кўпчилик ипак курти бокишидан ўзини олиб қочарди. Онам: "Қанча паҳта ерини берсанг бор, майли, энг оғир ишларни буор, лекин куртингни бокмайман", дерди.

Мелиса, хуллас аралашмаган одам йўқ. Навбат бозга етганда онам барчасини ичига ютиди. Трактор ўн дакиқада гуллаган пайкални шудгорга айлантириди. Ерга тўртта қозиқ қоқиб, уй куриш учун кўшини мизга хатлаб берили. Атрофга йигилгандар: "Болаларининг ризки эди, ҳосилини йигиштириб олгандан кейин берса ҳам бўларди, экиннинг уволи тутади-ку", дейиши. Онамнинг кўзи ўшига тўлди. Лекин юзларига бир томчи ҳам тушмади. Дили оғриди.

Онажон, мағрурлигини софиндим...

Кишилгода яшашнинг ўзгача гашти бор. Бепоён дала, яйлов, тутзор, бедазор жойлар. Чорва бокишига қуай яланг ерлар кўп. Бир куни отам билан бирга молбо-

зора чиқдик. Бозор айланиб, соғин сигир олди. Диркиллаган иккича бузоқчasi ҳам бор. Эгаси билан савдони пишириб, уйга хурсанд бўлиб қайтди.

Онам соғин сигир ва унинг ўйноклаб турган бузоқчини кўриб жуда кувонди. Аммо бу узоққа чўзилмади. Сигир асов чиқди. Челакни кўтариб соғишга борган одамни якининг йўлатмади. Боласини ҳам, борган одамни ҳам тарсиллатиб тегади. Ем бердик, силаб-сийладик, ҳатто оёқларини бойладик ҳам – соғидирмади. Онам билан отам бирор "сан-манга" бориб ҳам олишиди. Орадан ҳафта ўтиб, иковвлари сигирни етаклаб яна бозорга йўл олишиди. Хуллас, сигирни амаллаб сотиб келишиди.

Олган одамга онамнинг меҳри тушиб, бирон айби бўлса айттарсиз, деб ўй манзилимизни бериб қайтиби.

Уйга келгач, отам асабийлашиб деди: "Шу сигирдан кутилиш учун сотган бўлсан, ўй манзилимизни айтиш шартмиди. Етаклаб келса, нима дейсан?". Онам: "Ёшгина келин экан, раҳмим келди-да", деб жавоб берди. Орадан иккича шартмиди. Боласини ҳам топиб, якин келтирмаияти. Илтимос, пулимини бериб, сигирингизни қайтариб олсангиз", деб кўз ёшланиб турнибди. Хуллас, сигир ўзимизга буюрди. Отам: "Кўнгигчанглигинг қолмади-да, онаси. Энди бу ёғи нима бўлади", деди. Онам: "Майли, нима қилай,



қийналсан ҳам ўзимга ўргатиб оларман. ўш оила экан, улар эпломайди", деди.

Онажон, раҳмдиллигини софиндим...

Хонадонимизга келин тушди. Унга ҳамма ҳавас билан қарайди. Турли либосларда юриши, катта-кичикка ширин муомаласи, ўй юмушларини сарамжон-сарышталашидан онам ўзларида йўқ сунондиди.

Бир куни онам тандирга ўт қалади. Келиннин ёнига чақириб нон ясашни ўргатди. Келин нонга ҳамир қоришини, тандирда нон ёпишини билмас эди. "Ўйнгизда қилмаган бўлсангиз, бу ерда ўрганасиз", деб

йўлга солди. Қайнона-келин биргалашиб нон ёпишиди. Орадан кунлар ўтди. Келин бир куни онам кўрсатгандек нонга ҳамир қорди. Кечга якин тандирга ўт қалаб, нон ёди. Онам даладан қош қорайгандаги кайтгач, саватдаги чироили, бўрсилодек нонларни кўриб келинга юзланди: "Жуда бо-плабисиз. Бугундан кейин тандирни сизга топширдим", деди. Сўнгра: "Иккича донасини олиб сочиқка ўраб кўйинг. Эртага дала-га олиб кетаман. Дугонапаримга кўрсатиб мақтанааман", деб кулиб қўяди. Онамнинг юзлари нурга тўлди, ўш боладек кувонди.

Онажон, юзингиздаги кувончи софиндим...

Асрор СУЛАЙМОНОВ

ЎЗБЕКИСТОН БАДИЙ АКАДЕМИЯСИ ФАОЛИЯТИДАН

Ўзбекистон давлат санъат музейида очилган "Нигор" деб номланган кўргизмада иштедодли рассом Гулчехра Рахимованинг киркдан ортиб рангтасвир асарлари намойиш этилмокда. Рассом асарлари мавзу ва рангларнинг мутаносиблиги, бадиий ифодаси билан ажralib турди. Унинг ижодида абадий мавзулардан бирни – аёл гўзаллиги кенг кўламда тасвир этилган. Г.Рахимова портретларида нафакат

аёллар сиймоси, балки замондошларнинг ички олами, орзу-умидлари турли ракурсларда мөхирона ифодаланган. Натормортларда эса, рассом ҳар бир гулнинг тароватини мухлис ҳис қиладиган даражада тасвирлашга эришган. "Гулчехра", "Гулзода", "Чуч дугона", "Хуштақча", "Бобо", "Тонг билан учрашув", "От" каби асарларида. Гарб ва Шарқ тасвирий санъати анъаналари ўйунлашгани сезилади. "Сурхондаре

Кишилгода яшашнинг ўзгача гашти бор. Бепоён дала, яйлов, тутзор, бедазор жойлар. Чорва бокишига қуай яланг ерлар кўп. Бир куни отам билан бирга молбо-

зора чиқдик. Бозор айланиб, соғин сигир олди. Диркиллаган иккича бузоқчasi ҳам бор. Эгаси билан савдони пишириб, уйга хурсанд бўлиб қайтди.

ТЎҚҚИЗИНЧИ БИЕННАЛЕ ИШ БОШЛАЙДИ

Шу йил 24–28 октябрь кунлари пойтхитимизда "Рассом ва жамият" Келажак санъати концепциялари" IX Тошкент ҳалқаро замонавий санъат биенналеси бўлиб ўтади. Шу пайтгача ҳар иккича йилда бир маротаба ўтказиб келингайтан мазкур ҳалқаро анжуманнинг саккизинчиси 2018 йил октябрь ойидаги бўлиб ўтказилади. Тўққизинчи фестиваль эса пандемия.

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган матбуот анжуманида Тошкент ҳалқаро замонавий санъат биенналеси тўққизинчи маротаба ўтказилишига қўзигин тайёрларни курилган мальум қилинди. Навбатдаги анжуманда дунёнинг ўттизидан ортиқ мамлакатидан жангарлар шархида турли ўйналишдаги замонавий жанрларда фаoliyati юритувчи ижодкорлар қатнашиди. Энг мухими, замонавий санъат биенналеси тасвирий санъат бўйича ўзаро фикр ва тажриба алмашиш, турли мамлакатларни саломавий ижодий салоҳияти билан танишиш, замонавий санъатнинг далзар муммаларни мухоммада қилинишади. Ушбу мадданий анжуманга турли давлатлардан рангтасвир, графика, ҳайкалтарошлик, инсталляция, видео ва фото арт, концептуал санъат каби ўйналишлар бўйича алоҳида мувалифлар ва ижодий гурухлар тақлиф этилган.

Матбуот анжуманида Бадиий академияси Акмал Нуридинов, Биеннале куратори Суҳроб Курбонов, Орзукл Рўзиев оммавий ахборот вакиллари, санъатчилар, талабалар томонидан берилган саволларга атрофлича жавоб қайтардилар.

Биеннале ҳамда Бадиий кўргизмалар дирекцияси директори Орзукл Рўзиев оммавий ахборот вакиллари, санъатчилар, талабалар томонидан берилган саволларга атрофлича жавоб қайтардилар.

21 октябрь – Ўзбек тили байрами куни муносабати билан Ўзбекистон ёзувчilar уюшмаси ва Жиззах политехника институти ҳамкорлигига "Қадринг баланд бўлсин, она тилим!" деб номланган тадбир бўлиб ўтди.

ЖИЗЗАХ ЁШЛАРИ АДИБЛАР ХИЁБОНИДА



Адиблар хиёбонидаги Алишер Навоий ҳайкали пойида ўтказилган учрашуда шоирлар Гайрат Мажид, Фаридда Аффуз, Наргиза Асадова ва институтнинг педагоглари, талабалари қатнашиди. Тадбирда сўзга чиққанлар ҳар бир ҳалқнинг тили унинг бебаҳо бойлиги, ифтихори хисоблашиши ҳақида гапиди.

– Ёшларимизнинг шеър ўқишиларни кўриб, уларда адибётга, тилимизга бўлган мөхри ҳис қилдим, – деди шоира Фаридда Аффуз. – Албатта, тилимизни, адибётимизни ривожланитиришга катта эътибор қаратилётган пайтда ҳар биримиз бу жараёнга масъулият билан қарашимиз керак, деб ўйлайман.

Дарҳақиқат, ҳикматли сўзлар, шеъру достонлар, қўшиклиар, аввало, миллатнинг она тилида дунёя келади. Миллат бор экан, унинг тили яшайди, ўз нуфузи, обрисига эга бўлади. Ҳар бир ҳалқа ўзилилизи ардоқли.

Тадбирда институт талабалари томонидан Ҳамид Олимжон, Зулфия, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Мухаммад Юсуф шеърлари ўқилди. Шундан сўнг, иштирокчилар Адиблар хиёбони ва Ўзбекистон ёзувчilar уюшмаси тарихи музейидаги бўлди.

Сен борсанки, гўзал бу ҳаёт, Қайгу-алам менга азал ёт, Сен бор – қалға кўйилар ижод, Она тилим – онажон тилим!

Сен-ла уйғоқ шуурим менинг, Ифтихорим, гурурим менинг, Завқим-шавқим, сурурим менинг, Она тилим – онажон тилим.

Забоним – кўкдаги ой тилим, Гўзал шевалларга бой тилим, Томиримда оқкан сой тилим, Она тилим – онажон тилим.

Шавкатимсан, шонимсан ўзинг, Нуфузимсан, шаънимсан ўзинг, Ҳақ қадарлик маънимсан ўзинг, Она тилим – онажон тилим.

Ўзингсан-ей, борлиғим-борим, Бор вужудим, номусим-орим, Тиллар ичра чаман – гулзорим Она тилим – онажон тилим.

Бош минбарни забт этиб сасинг, Олам аро кезар нафасинг, Дунёларни чулғар ҳавасинг, Она тилим – онажон тилим.

Сен борсанки, гўзал бу ҳаёт, Қайгу-алам менга азал ёт, Сен бор – қалға кўйилар ижод, Она тилим – онажон тилим!

Зулайҳо АҲМАДЖОНОВА

Таҳририятга келган кўлжемалар таҳжил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланшини мумкин.

Масъуд котиб: Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи мухаррир: Ҳумон АКБАРОВ

Сахифаловни: Нигора ТОШЕВА

Газета 20